

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилади”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р. Зайналов

Баённома №10^Г 2018 йил 24 май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-314 груҳ талабаси

Ахмедов Акбар

**“Туристтик бизнесни молиявий потинциалини ошириш йўллари”
 (“Samarqand-Korea Tur ” МЧЖ малумотлари буйича) мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс.Хожимамедов А.А

Илмий маслахатчи: проф. Ходжаев Э.Н.

САМАРҚАНД– 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ.ТУРИЗМНИ ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ПОТИНЦИАЛИНИ ОШИРИШ	9
1.1.Туризмни ривожлантиришнинг ахамияти	9
1.2. Туристтик бизнес салоҳиятини молиявий барқарор ривожланишининг назарий асослари	13
1.3. Самарқанд вилоятида туристик салоҳиятни барқарор ривожлантиришдаги асослари	16
Кучли томонлари	17
Хавф-хатарлар	17
Кучсиз томонлари	17
Имкониятлар	17
II-БОБ. ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ПОТИНЦИАЛИНИ ОШИРИШ АМАЛИЁТИ ВА ТАҲЛИЛИ	19
2.1.Самарқанд вилоятида туристик бизнес ахамияти ва ривожлантириш омиллари	19
2.2. Туристтик бизнесни молиявий салоҳиятини ошириш амалиёти	21
2.3.Туристтик бизнес молиявий потенциаллини бевосита хизматлар ҳажмининг усишига тасири	27
III-БОБ.ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ПОТИНЦИАЛИНИ ОШИРИШ ИМТИЁЗЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ	32
3.1. Туризм ислоҳатлар ва истиқболларини шакиллантириш йўллари	32
3.2. Туристтик бизнесни молиявий потенциаллини оширишни молиявий ресурсларга боғлиқ омиллари	36
3.3.Туристтик бизнесни молиявий ПОТИНЦИАЛини ошириш имкониятлари ва истиқболи	37
IV-БОБ. « SAMARQAND-KOREA TUR »МЧЖ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ	43
4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари	43
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмаларнинг буйруқлари ташкил этади.	43
4.2. « Samarqand-Korea Tur »МЧЖ меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати	45
4.3. « SAMARQAND-KOREA TUR »МЧЖ ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари	47
4.4. « Samarqand-Korea Tur »МЧЖ фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари	50
ХУЛОСА	54
Фойдаланилган адабиётлар	57

КИРИШ

Туризм жахон иктисодиётининг шиддат ва барқарорлик билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланиб, халқаро туристлар оқими ҳар йили ўртача ҳисобда 3,3 фоиз ўсиш даражасига эга бўлганда, халқаро туристлар сони 2030 йилда 1,8 млрд. кишига етиши бадюрот қилинмоқда¹.

Туристлик хизматларга молиявий имтиёзлар ва чегирмалар бериш махсус дастурларни жорий қилиш, таътил чеклари ёки махсус гувоҳномалар асосида сайёҳатлар ташил этиш орқали амалга оширилмоқда. Туризм ташкил этишнинг бутун дунёда қўлланилаётган механизмлари Бутундунё туристик ташкилотининг «STEP» дастури орқали 45 та мамлакатда ҳамда халқаро туризм ташкилотининг «The CALYPSO» дастури орқали 130га яқин мамлакатларда кенг тарғиб қилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда жахонда туризм хизматларининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириши борасидаги илмий изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, туризм соҳасига катта эътибор қаратувчи мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туризм хизматларини ташкил этиш, уни молиялаштириш, мамлакатларнинг иктисодий-ижтимоий ривожланишга таъсири ва умумий туризм бозорига таъсири, туризм бозорининг ривожланишига тускинлик қилувчи омиллар, туризмнинг таркибига кирувчи туризм турларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш масалалари хорижий олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда ҳозиргикунда аҳолининг барча қатламларига мулжалланган ички туризмнинг жадал ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифанинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун Ўзбекистонда таътил кунлари ўзгартирилиши,

чегирмали туристик хизматлар жорий этилиши каби ички туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар жорий қилинмоқда. Аммо мамлакатимизда туризм яхлит тизим сифатида шакллантирилмаганлиги ушбу соҳани ривожлантиришда асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сонли Фармони, 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризм ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу татқиқотни муайян даражада амалга оширилишига хизмат қилади.

Татқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. БМИ СамИСИнинг инновацион иқтисодий шакллантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмни халқаро даражада ташкил этиш ва бошқариш муаммолари Мендоза Кастро, Скотт Маккейб, Линн Минаэрт, Мариана Шапмамс, Этисн Блангер, Рсмигжус Киндерис каби хориж олимлари ҳамда социал туризмнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўрганиш масалалари МДХ мамлакатлари олимларидан М.Б.Биржаков, В.А.Квартальнов, И.В.Зорин, Д.В.Шусь, Д.В.Запозная, А.А.Бадин, К.Г.Яковлсва, И.О.Ссрдобольская¹, шунингдек социал

1 Пиржаков М.Б. Няедение а туризм. С. Пб.; Иедательский Торгоамй дом «Герда», 2006. - 400 с.; Менежмент турюмя. Под редак. В.А.Кнвртдьного - М Финансм и статистика, 2004. • с. 160; Зории И.В. Теорешческие основм формироаания содержания профессионадьного туристского образоаяния: аятореф. дисс. ... док. пед. иаук. - Москня, 2001; (Цусь Д.В. Экоиомическо-ииституциоияльнмй механиэм оргаиизации социальюго туриэма; аятореф. кан. экон. иаук. ~ Сочи, 2005; Залозияя Д.В. Место социальюго

туризмнинг таркибига кирувчи болалар ва ёшлар туризмини ҳамда жисмоний имкониятлари чекланган инсоилар учуи туризмини ташкил этиш масалалари Е.С.Колесниченко, А.Н.Косых, Е.А.Маслакова, Е.В.Оргина, Н.В.Романов, В.А.Козлова, В.П.Орловская, О.Н.Чумичёва² ва бошчаларнинг ишларида баён этилган.

Ўзбекистонда туризм ва унинг молиявий ижтимоий хусусиятлари республикаимиз олимларидан К.Х.Абдурахманов, М.Р.Болтабоев, Ж.Р.Зайналов, З.Мухамедова, Н.Т.Тухлиев, Ф.Х.Комилова, М.Қ.Пардаев, М.Т.Алимова, Б.Х.Тураев, Б.Ш.Сафаров³ асосида урганган.

туризма я гуманизации экономического роста: автореф кан. экон. наук. - Владикавказ, 2007; Бадин А.А. Формы организации чаркесиши на рынке социального туризма: автореф. ... кан. экон. наук. - Волгоград, 2008; Якоалеа К.Г. Институциональные основы развития социального и безбарьерного туризма: автореф. ... кан. экон. наук. - Санкт-Петербург, 2012; Сердобольская И.О. Государственное регулирование социального туризма и пути его совершенствования в Российской Федерации: автореф.... кан. экон. наук. ~ Санкт-Петербург, 2003

² Колесниченко Е.С. Развитие детского оздоровительного туризма в социально-экономической системе воспроизводства человеческого потенциала: автореф. ... кан. экон. наук. - Москва, 2009/2010; Косых А.Н. Развитие системы детского социального туризма (на примере Омской области): автореф.... кан. экон. наук. - Москва, 2006; Маслакова Е.А. Управление развитием детского туризма в новых экономических условиях хозяйствования: автореф. ... кан. экон. наук. - Москва, 2009; Оргина Е.В. Формирование систем управления детским оздоровительным туризмом в Российской Федерации: автореф. ... кан. экон. наук. - Сочи, 2012; Романова Н.В. Социально-экономические условия развития детского-юношеского туризма в России: автореф. ... кан. экон. наук. - Москва, 2005; Козлова В.А. Стратегия позиционирования туристских фирм на молодежном сегменте регионального рынка услуг: автореф. ... кан. экон. наук. - Орск, 2006; Орловская В.П. Организационно-экономические условия развития молодежного туризма в дестинации: автореф. ... кан. экон. наук. - Санкт-Петербург, 2004; Данилкин В.В. Формирование систем маркетинговой оценки имиджа туристских центров на международном рынке молодежного туризма (на примере рынков России и Германии): автореф. ... кан. экон. наук. - Орск, 2010; Чумичёва О.Н. Управление конкурентоспособностью детского туризма в России: автореф.... кан. экон. наук. - Москва, 2006.

³ Абдурахманов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие. -Т.: Филиал ФГБОУ ВПО "РЭУ им. Г.В.Плеханова" в г. Ташкенте, 2013.-248 с.; Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. "Туризм: назария ва амалиёт" фанидан электрон дарслик.- Т., 2017; Тухлиев И.С., Кудратов Ф.Х.» Пардаев М. Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: Иқтисод ва молия, 2010.-238 б.; Пўлатов М.Э. Разум становится имуществом //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар - Тошкент, 2011. - №2; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2009. - 624 с.; Голмшева Е. Развитие сфер туризма Республики Узбекистан в период финансово-экономического кризиса //Актуальные проблемы туризма. 2010. - №2 - с. 5-9.; Асланова Д.Х., Алимова М.Т. Региональный туристский кластер как инструмент повышения эффективности экономики региона // Сетевой журнал «Научный результат». Серия: «Экономические исследования». - Т.2, №1(7), 2016; Хамидов О.Х. Выбор конкретной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. Диссер. ... канд. экон. наук. - С.: СамИСИ, 2006. - 155 с.; Норчаев А.Н. Хапаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): иқтисод. фан. номз. диссер.- ТДИУ, 2004. - 120 б.; Алиева М.Т. Туристтик мамлакатлар иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2007 - 339 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари // Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. - 300 б.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.: Фан, 2009. - 154 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришининг методологик асослари // Монография. - Тошкент: Фан ва технология, 2016.- 184 бет.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда Ўзбекистонда туризм хизматларини ривожлантириш орқали туристик салоҳиятини молиявий ПОТИНЦИАЛини ошириш масалалари илмий-назарий ва методологик жиҳатдан ёритиб бурилмаган. Маскур ҳолат ушбу БМИ мавзусини танлаш ва тадқиқот асосларини белгилашга асос бўлди.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади - Туристик бизнесни молиявий потенциалини ошириш йўллари.

Тадқиқот вазифалари - БМИнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;
- Самарқанд вилоятида туристик салоҳиятни барқарор ривожлантиришдаги асослари
- Туристик бизнесни молиявий салоҳиятини ошириш амалиётини урганиш;
- Туристик бизнес молиявий потенциалини бевосита хизматлар ҳажмининг ўсишига эришишда амалий таклифлар бериш;
- Туризм ислоҳатлар ва истиқболларини шакллантиришни кучайтириш йўллари;
- Туристик бизнесни молиявий ПОТИНЦИАЛини ошириш имкониятлари ва истиқболини таъминлашдаги имкониятлари.

Тадқиқот объекти: “Samarqand-Korea Tur ” МЧЖ Туристик бизнесни молиявий потенциалини ошириш йўллари танлаб олинди.

Тадқиқот предмети: Туризмни ривожлантириш ва туристик бизнес салоҳиятини молиявий барқарор ривожланиш аҳамияти.

Тадқиқот методлари. БМИда қиёсий ва омилли таҳлил, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот гипотезаси. Туризмни ривожлантириш йўллари хусусидаги илмий назарий хулосалар ва амалий тақлифлар келажакда ушбу соҳани ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

➤ Туристик бизнес салоҳиятини молиявий барқарор ривожланишининг назарий босқичлари;

➤ Самарқанд вилоятида туристик бизнес аҳамияти ва ривожлантириш омиллари;

➤ Туристик бизнесни молиявий потенциални оширишни молиявий ресурсларга боғлиқ омиллари.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. БМИда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар ҳамда ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялардан банк фойдасининг ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш борасидаги масалаларини ҳал этишда, хусусан тижорат банкларини комплекс яхшилаш мақсадида ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан давлат таълим стандартларига мувофиқ “Молия”, “Корхоналар молияси”, “Молиявий менежмент” ва бошқа бакалаврият таълим йўналишлари фанларини ўқитишда ҳам фойдаланса бўлади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишининг натижалари ва хулосалари “Samarqand-Korea Tur ” МЧЖ 2018 йил май ойидаги далолатнома томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. БМИнинг илмий натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси семинарида муҳокама этилди ва ҳимояга тавсия этилди.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг матни 59 бет бўлиб, унда 3 та жадвал, 1 та диаграмма ва 1 та чизмалар мавжуд.

I-БОБ.ТУРИЗМНИ ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ПОТИНЦИАЛИНИ ОШИРИШ.

1.1.Туризмни ривожлантиришнинг ахамияти

Ўзбекистон катта салоҳиятга, сиёсий барқарорлик, кучли давлатчиликка эгаллиги, аҳолининг катта қисми замонавий билимларни эгаллаган ёшлардан иборатлиги, бой қимматбаҳо табиий ресурслар захираси ва ривожланган инфратузилмаси туфайли минтақада етакчи давлат ҳисобланади.Биринчи президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон иккита инқироз -1997 йилги Осиё инқироzi ва жорий молиявий-иқтисодий инқироз пайтида ўз иқтисодиётининг барқарорлигини яққол намоён этди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир муаммоларни ўрганиш ва умумлаштириш биринчи президент И.А.Каримов таъкидлаган қуйидаги хулосага олиб келади: “...жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бири-бири билан уйғунлигига боғлиқ”⁴.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш шу куннинг муҳим вазифасидир. Республикада халқаро туризмни ривожлантириш ҳам шундай вазифалар сирасига киради.

Демак бозор муносабатлари шаклланиб, қарор топиб бораётган шароитда халқаро туризмга, унинг муаммоларига эътиборни қаратиш объектив зарурият. Республикада бу соҳани ривожлантириш учун етарли шарт-шароит ва ресурслар мавжуд. Шунинг учун ҳам халқаро туризм

⁴Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитидй уни бартар&ф этйшнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. -6-6.

бозорини чуқур ўрганиш, бу йўналишдаги изланишларни изчил йўлга қўйиш асосида уни муттасил ривожлантира бориш зарур.

Ўзбекистоннинг халқаро туризмдаги ўрни ва мавқеи уни Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан 1997 йили тан олингани ва Франция, Италия каби давлатлар қатори унга аъзо бўлганлиги билан характерланади. Ҳозирги пайтда бу ташкилотга аъзо мамлакатлар¹ сони 140 тадан ошди. Чет эллик экспертлар фикрича, Ўзбекистоннинг "катта туризм"га киришига, албатта,¹ "Буюк ипак йўли"нинг тикланиши борасида амалга оширилаётган ишлар ва, биринчи навбатда, республикадаги ижтимоий барқарорлик асос бўлди. Бухоро ва Хива шаҳарлари архитектура бойликлари жаҳон архитектурасининг ноёб бойлиги сифатида тан олиниши Ўзбекистоннинг халқаро туризмдаги нуфузини янада оширмоқда.

Туризм соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнидаги роли ва аҳамияти унинг экология билан муносабатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Туризмнинг атроф-муҳитга таъсири бир томонидан, бевосита, иккиламчи ёки тўртки берувчи бўлиши, бошқа жиҳатдан ижобий ва салбий ҳолатларни намоён қилиши мумкин.

Минтака туризми мамлакатлар иқтисодиёти ва маданиятида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ривожланиши бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барча бўғинларига татбиқ қилинаётган маркетинг жараёнларини кенг қўллаш билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда ҳар бир компания, корхона, фирма ва бошқаларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири потенциал харидорни аниқлаш, уни шакллантириш ва бу вазифани хал этишда мунтазам ва самарали маркетинг изланишларини ташкил этиш, уюштириш, ва уларнинг раванқини белгилашда унинг натижаларига таяниш жуда зарур.

Туризмни ривожланиши, албатта, унинг моддий-техника базаси кенгайтирилиши, қурилишлар қилиниши, кувватлари оширилиши, ишончли техникавий ва транспорт таъминоти яхшйланиши билан боғлиқ. Ҳозирги

шароитда туризм олдида 2 та вазифа бйринчидан, фаолиятининг барча турларини миқдор ва сифат жиҳатидан кенгайтириш, иккинчидан, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш вазифалари турибди. Булар. ўз навбатида, туризм соҳасини ривожлантириб энг кўп ижтимоий-иқтисодий самара олиш учун имконият туғдиради. Туризм соҳасида самарадорликнинг ўсиши бугунги кунда бошқа иқтисодий сиёсатлар каби Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳам жуда зарур.

Туризмни ривожланишининг йўналиши шундан далолат берадики, Ўзбекистонда ҳам бу соҳада катта ўзгаришлар содир бўлиши кутилмоқда. Чунончи, республикада туризм ривожланишидаги собитқадамлик қатор ҳолатлар ва сабабларга кўра, объектив равишда мавжуд. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, туризм - биринчидан, минтақада бойлик кўпайиши ва умуман, миллат.тўрмуш шароитининг яхшиланиши омили; иккинчидан, ишчи кучини жалбжилувчи, аҳолини иштбилан. таъминловчи муҳим омил; учинчидан, иқтисодиёт тармоқлари ҳисобланган транспорт, алоқа, савдо, қурилиш, қишлоқ; хўжалиги, ҳунармандчилик, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар; ривожланиши учта кудратли рағбатлантириш; тўртинчидан, ҳозирги замон; иқтисодиётининг энг самарали соҳасидир.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, шуни қайд киламизки, минтақа туризми аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида жуда катта салоҳиятга эга бўлиб, унинг ўзига хос элементлари ва хусусиятлари мавжуд. Булар асосан, минтақа туризми соҳасининг аҳолига хизмат кўрсатиш табиати, мазмуни ва турмахсулот хусусиятларидан келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, туризм соҳасини ўрганиш, унинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш халқлар ўртасидаги муносабатлар янада яхшиланишида ўз аксини топади.

Ўзбекистонда туризм ривожланиши жамиятнинг янгиланиш даврига тўғри келиб, у аста-секинлик билан содир бўлаётган ўзгаришлар жараёнини ҳисобга олган ҳолда туристик хизматлар ҳажми ортиб бориши билан

ажралиб туради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши минтака туризми соҳаси билан ҳам боғлиқ эканлиги ривожланган мамлакатлар тажрибасида, кўзга яққол ташланмоқда. Шунинг учун ҳам бозор муносабатлари шаклланаётган ква эркин хўжалик юритишга ўтилаётган мамлакатларда авваллари унчалик аҳамият берилмаган туризмга эндиликда катта эътибор қаратилмоқда. Сиёсий ва иқтисодий мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб, Ўзбекистонда туризмнинг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишини таъминлаш, унинг иқтисодиёт учун, умуман, жамият ривожланиши учун қўшаётган ҳиссаси йилдан- йилга ортиб бораётганлиги билан белгиланади. Айниқса, хорижий мамлакатлар фуқароларининг мамлакатимизга ташрифи халқаро туризмнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу жараён иқтисодиётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат ҳазинасини валюга билан таъминлайди, катта даромад кўриш имкониятини кенгайтиради.

Бутун жаҳон туристик ташкилоти (БТТ) ва ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган «Буюк ипак йўлида туризм» лойиҳасида Ўзбекистон 1994 йилдан бери фаол қатнашиб келмоқда. 1996 йилда туризм дунёсида янги «Ипак йўли» туристик маҳсулоти вужудга келтирилганини ҳисобга олиб, Ўзбекистондаги туризм билан шуғудланувчи ташкилотлар ҳамда хусусий фирма ва компаниялар бу маҳсулотни жаҳоннинг туризм бозорларида сота бошладилар. Бу мақсадни амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг туристик Фашкилотлари ҳар йили ўтказиладиган Лондон, Берлин, Милан, Париж ва Тошкент, халқаро туристик ярмаркаларида фаол қатнашиб, туризмни ривожлантириш борасида кейинги. йил зучун шартномалар туздилар.

Туризм соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланиб, давлатлар, ўртасида уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қўшимча ишчи гуруҳдар тузилган. Уларнинг фаолияти ижобий самара бермоқда. Агар. Лондон, Берлини, Милан ва Париж ярмаркаларида Ўзбекистоннинг йирик туристик ташкилртлари қатнашган бўлса, Тошкент

ярмаркасида республиканинг 100 дан кўп фирма ва ташкилотлари иштирок этиб, 60 га яқин хорижий фирма ва компаниялар билан ишлаш имкониятига эга бўлдилар. 1997 йил октябрь ойида Истамбудда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 12-сессиясида Ўзбекистоннинг БМТ Ижроия Кенгашига сайланиши унумли фаолият маҳсулидир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, чунончи, халқаро туризм соҳасида ҳам, жуда катта ўзгаришлар юз бериб, республика ҳазинасига валюта тушумлари ҳажми кўпайди. Бозор иқтисодиёти қарор топаётган давр бошларида туристлар сони камайиш йўналишига эга бўлган бўлса, 1995 йилдан бошлаб, унда кўпайиш кузатила бошлади.

1.2. Туристтик бизнес салоҳиятини молиявий барқарор ривожланишининг назарий асослари

Ўтган асрнинг охирига келиб, глобал тараққиётнинг жаҳон табиий ресурсларига солаётган хавфига жавобан барқарор ривожланиш концепцияси халқаро миқёсда катта аҳамият касб эта бошлади ва 1987 йили Жаҳон атроф-муҳит ва тараққиёт кенгаши

Барқарорлик концепцияси туризм соҳасининг атроф-муҳит, ижтимоий вазият ҳамда маданиятга кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларда тез ўз ифодасини топди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан барқарорлик ёндашувининг туристик ресурслар экологик ва ижтимоий деградацияси муаммоларига муносиб ечим топа олиш қобилияти кенг эътироф этилмоқда.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) туризм барқарор ривожланишига «бугунги турист ҳамда мезбон ҳудудлар эҳтиёжларини кондириш билан бир вақтда келгуси авлодлар учун ҳам имкониятларни асрайди ва оширади. Иқтисодий, ижтимоий ва эстетик эҳтиёжларни

қондиришда миллий ўзлик, муҳим экологик жараёнлар, биологик хилма-хиллик ва ҳаётни қўллаб-қувватловчи тизимлар ҳимояси таъминланади», дея таъриф беради. Қатор илмий тадқиқотларда туризм барқарор ривожланишининг асосий мақсади сифатида «дестинациянинг экологик, ижтимоий, маданий хусусиятларига зарар етказмаган ҳолда манфаатдор томонларга максимал фойда берувчи юқори сифатли хизматлар билан таъминлаш» кўрсатилади.

Симпсон туризм соҳасини тартибга солишда барқарорлик ёндашувини қўллашнинг икки асосий белгисини аниқлади, улар - туфли манфаатдор томонларнинг иштироки ҳамда туризм ривожланишини лойиҳалаштиришнинг стратегик ва узоқ муддатга мўлжалланганлигидир. Демак, барқарор ривожланишни таъминлаш шартларидан бири - туризм стратегиясининг ишлаб чиқилиши ҳисобланади.

Туризм стратегияси - давлат, жамият ҳамда туризм соҳаси манфаатдор томонлари фаолиятини қамраб олувчи ҳаракат моделини шакллантиради ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни таъминлайди. Бундай стратегиялар қуйидаги уч асосий мақсадни кўзлайди:

- туризм ресурслари кадр-қимматини асраш;
- ташриф буюрувчиларнинг саёҳатдан қониқиши ва олган таассуротларини кучайтириш;
- мезбон жамият оладиган ижтимоий, иқтисодий ва экологик фойда қайтимини максималлаштиришдир.

Қисқача қилиб айтганда, стратегия қўйилган мақсадларга эришиш йўлида учрайдиган масалаларни ечиш учун давлат ва тадбиркорлик субъектларининг хатти-ҳаракатларини жипслаштирувчи восита вазифасини бажариши лозим. Муваффақиятли стратегияни шакллантириш учун катта ҳажмдаги ахборот ва таҳлиллар талаб қилинади, бу жараённи ташкил этиш бир қанча босқичларни қамраб олади. Улардан энг асосий ва умумийлари қуйилдагилардир.

Тараққиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш. Ушбу дастлабки муҳим қадам кейинги босқич учун йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Замонавий режалаштиришда жараённинг бу босқичида кенг қамровли мақсадлар қўйилади.

Зарур маълумотларни йиғиш. Мазкур босқичда барча тегишли ахборотларни йиғиш учун тадқиқот, кузатув ва бошқа фактларни йиғувчи услублардан фойдаланилади.

Маълумотларни таҳлил қилиш. Маълумотлартизимлаштирилиб, бошланғич таклифлар ва параметрлар белгиланади. Масалан, таҳдиллар воситасида маҳаллий аҳолининг қирғоқларда ёки хушманзара жойларда мўлжалланган ўзгаришларга ҳеч қандай қаршилиги йўқлиги аниқланса, шу жойда томошагоҳлар яратилишини режалаштириш тавсия этилади.

Дастлабки режа, муҳокама ва қайта ишлаш. Маълумотлар ва таҳлиллар асосида дастлабки режа тузилади. У ердан фойдаланиш режалари, ривожланиш жадвали, дизайн эскизлари ва молиялашлойихаларидан ташкил топади. Сўнгра, дастлабки режа муҳокама ва қайта ишлаш жараёнларидан ўтади ва мукаммалаштирилади. Кўпинча муҳокама босқичида аҳоли муҳокамаси ҳам ўтказилиши кўзда тутилади.

Режани яқунлаш, амалга ошириш ва мониторинг. Барча ўзгаришлар тасдиқланиб, режага киритилганидан сўнг якуний режа тузилади ва у амалга оширишда фойдаланиладиган ишчи дастурга айланади. Якуний режа ишчи гуруҳга йўриқнома вазифасини бажариши учун барча зарур тафсилотларни ўзида акс эттиради.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида кўплаб муваффақиятли туризм стратегик режалари ёки қисқача стратегиялари қабул қилинган. Уларнинг умумий томонлари билан биргаликда бир-биридан тубдан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам кўп учрайди. Стратегияларнинг умумийлиги шундаки, уларнинг барчасида туризм талаби, туризм таклифи, туризм таъсирлари,

иқтисодий ва молиявий масалалар ва ишчи дастурларининг бўлишидир. Режалардаги тафовутлар эса дестинация⁵ тури, унинг ҳозирги ривожланиш даражаси, режалаштириш асосида ётган услуб каби омиллар туфайли ҳосил бўлади.

Давлатлар ва алоҳида ҳудудларнинг туризм ривожланиши стратегик ҳужжати бир неча йўналишдаги стратегик қарорларни қамраб олади. Бу асосий йўналишларга, одатда, туризм соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, институционал асосларни мустаҳкамлаш, инфратузилмани такомиллаштириш, туристик маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш, уларнинг юқори сифатини таъминлаш, соҳа учун қулай ишбилармонлик муҳитини таъминлаш ва бошқалар киради.

1.3. Самарқанд вилоятида туристик салоҳиятни барқарор ривожлантиришдаги асослари

Самарқанд вилоятида туризмнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган туризм соҳасининг маданий, табиий ва рекреацион ресурслари транспорт инфратузилмаси, меҳмонхона хўжалиги, туризм хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар, глобал ахборот ресурслари орқали ташвиқот-тарғибот каби омиллар ҳолати таҳлил этилиши асосида Самарқанд вилояти туризм соҳаси ривожланишининг SWOT таҳдили бажарилди (1.1жадвал).

⁵ Дестинация - туристларни қабул китувчи ҳудудга нисбатан қўлланилади, у давлат, минтақа ёки шаҳар бўлиши мумкин

Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг СВОТ таҳлили(1.1-жадвал)

Кучли томонлари	Хавф-хатарлар
<p>Тарихий ва маданий ёдгорликларга бойлиги ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган ёдгорликлар мавжудлиги Ер ва ҳаво транспорти инфратузилмаси мавжудлиги Аҳоли таркибида ёшлар салмоғи катталиги Тошкент, Бухорага яқин жойлашуви бўйида жойлашганлиги Каналларнинг кўплиги ова Қадимий буноларнинг дунёга машҳурлиги</p>	<p>Тарихий обидаларга термитлар таъовузи Экологик вазиятнинг ёмонлашуви Сув танқислиги Транспорт харажатларининг ўсиши Хизматлар сифатининг бошқа рақобатчи шаҳарлар даражасидан ортда қолиши</p>
Кучсиз томонлари	Имкониятлар
<p>Ташвиқот ишларининг сустлиги Ахборотлашув даражаси пастлиги Туристик мавсумнинг қисқалиги Туристик маҳсулотларнинг диверсификация даражаси пастлиги Маҳаллий сайёҳлик агентликлари ва операторлари камлиги Бошқа минтакалар билан боғловчи автомобиль йўлларининг талабга жавоб бермаслиги Аксарият меҳмонхоналарда кўрсатилаётган хизматларнинг сифат ва нарх талабларига жавоб бермаслиги Ишбилармонлик муҳитининг республика микёсида пастроқ эканлиги Самарқанд аэропортида хизмат кўрсатиш сифати пастлиги ва тартибсизликлар Сайёҳларга мўлжалланган овқатланиш жойларининг камлиги ёки маълумотлар йўқлиги, бошқа халқлар ошхонаси таклифининг йўқлиги Банклар томонида узок муддатли кредитларнинг таклиф этилмаслиги</p>	<p>Самарқанд халқаро аэропортида хорижий рейсларни кўпайтириш орқали кўпроқ сайёҳларни жалб этиш Янги туристик маҳсулотларни шакллантиришда Туризм корхоналари билан ҳамкорликни кучайтириш Янги экологик турларни ташкил этиш Фаол туризм маҳсулотларини кўпайтириш Оилавий ва ёшлар туризм сегментларини ривожлантириш Беш юлдузли меҳмонхоналар куриш орқали юқори бюджетли сайёҳларни жалб этиш</p>

Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ҳамда чора-тадбирлари 1.1-расмда келтирилган

Самарқанд вилоятида туризм маҳсулоти рақобатдошлигини ошириш йўналишлари (1.1-расм)




Шундай қилиб, Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланишида ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сайёҳларни кенг кўламда жалб этиш, минглаб йиллар давомида шаклланган бой тарихий-маданий меросни бутунжаҳон миқёсида тарғиб қилиш ниҳоятда муҳимдир.

II-БОБ. ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ПОТИНЦИАЛИНИ ОШИРИШ АМАЛИЁТИ ВА ТАҲЛИЛИ

2.1. Самарқанд вилоятида туристик бизнес аҳамияти ва ривожлантириш омиллари

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг мавжуд улкан туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш давлат миқёсидаги устувор масалалардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йиллари давомида мунтазам олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида вилоятга ташриф буюраётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Самарқандга ҳар йили эллик мингдан зиёд сайёҳлар ташриб буюриб, уларнинг таркибида хорижлик сайёҳлар сони салмоқли ўринни эгаллайди (2.1-диаграмма). Самарқанд вилояти туризм соҳасининг ривожлашида кузатилаётган бундай ижобий тенденциялар, аввало республикамиз туризмнинг глобализациялашуви ҳамда жаҳон туризм бозорида кузатилаётган кучли ўсиш билан боғлиқдир.

**Самарқанд вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар сонининг 2005-
2017 йиллардаги динамикаси⁶(2.1-диаграмма).**



⁶ «Узбектуризм» МК маълумотлари

Экспертлар ҳисобига кўра, вилояти республика миқёсида туристик экскурсия ресурсларининг зичлиги бўйича 1-ўринни, экскурсия ресурслари таркибидаги тарихий-меъморий объектлар кўрсаткичи бўйича 1-ўринни ҳамда экскурсиялар тех- нологик захираси бўйича Бухоро вилоятидан кейин 2-ўринни эгаллайди. (2.1-жадвал).

**Ўзбекистоннинг туристик марказларининг асосий кўрсаткичлари⁷
(2.1-жадвал).**

Кўрсаткичлар	Хоразм	Самар- қанд	Бухоро	Тошкент ш.
Экскурсия ресурсларининг технологик захираси	75.9	75.4	163.2	-
Экскурсия ресурсларининг зичлиги	16.9	3.1	1.1	-
Меҳмонхоналар сони	33	84	79	90
Тунаш давомийлиги, киши-кеча	1.6	2.2	2.0	2.8
Меҳмонхоналарнинг бандлик кўрсаткичи (%)	19	20	20	44.5
Туроператорлар сони	3	48	14	234
Меҳмонхонада тунаган сайёҳлар сони (киши)	69720	130507	107095	523110
улардан дам олиш мақсадида келганлар	57638	75176	74598	186464
улардан хизмат сафари бўйича	12082	43687	28739	249675
Туризм экспорти (минг АҚШ долл.)	2006.3	10187.2	4944.7	38806.9
ундан тур. фирмалар ҳисобига	87.1	4777.1	317.5	17164.6
ундан меҳмонхоналар ҳисобига	1919.1	3972.3	2459	19673.4
ундан ҳамкорлик асосида	-	1440.8	2120.1	1850.4

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Шундай улкан салоҳиятга қарамасдан, Самарқанд меҳмонхоналар ва туризм хизматлари ташкилотлари сони, кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича Самарқанд ва Бухородан сезиларли даражада ортда қолган. Натижада, вилоятга ташриф буюраётган сайёҳлар сони, меҳмонхоналарнинг бандлик кўрсаткичи, туризм экспорти ҳажми ҳам бу шаҳарлардагидан кам. Кузатилаётган тенденциялар Самарқанд вилоятида маркетинг ташвиқот ишлари, ҳудудлараро транспорт қатнови ва бошқа масалалар суғуст ташкил этилганлигидан далолат беради.

2.2. Туристик бизнесни молиявий салоҳиятини ошириш амалиёти

Ҳозирги вақтда давлатларнинг тараққиётида бошқа соҳалар каби туризмнинг ўрни ва нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Жаҳон аҳолисининг онги, тафаккури, дунёқараши, қизиқишлари ҳамда даромадлари ўсиб бора ётганлиги қадимий обидалар, гўзал мансканларни томоша қилиш, халқларнинг урфодатларини яқиндан билиш ва бошқа маданий дам олишлари учун саёҳат қилишлари одат тусига кириб бормоқда. Ўз ўрнида бу тармоқ жуда катта иқтисодий салоҳиятга эга.

Айниқса, ҳозирги лойиҳада жаҳон миқёсида ички туризм билан бирга халқаро туризм ҳам ривожланиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: «Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урфодат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз⁸».

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газе- таси, 2014

Жаҳонда иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар бунга саноат ва фантехника тармоғининг ривожланганлиги, фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги, инновацион технологияларнинг татбиқ этилиши, қишлоқ хўжалиги тараққиёти ва бошқа омиллар орқали эришаётганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, баъзи бир давлатлар савдо айланмасининг кўп қисми (Мексика савдосининг 44%и, Португалия - 28%, Австралия - 23%, Италия савдосининг 41%и)⁹ халқаро туризм соҳасига тўғри келаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда мазкур соҳанинг жаҳон бозоридаги улуши 30 фоиздан ортиқроқни¹⁰ ташкил этиб, глобал бозордан нефть саноати билан биргаликда пешқадамлик қилаётганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, дунё ялпи ички маҳсулотининг ўндан бир қисми, дунё бўйича хизматлар экспортининг 29%и, халқаро инвестициянинг 11 фоизидан ортиғи, аҳоли бандлигида ҳар ўн иш ўрнининг биттаси туризм соҳасига тўғри келмоқда ёки ушбу соҳада 235 млн дан ортиқ киши фаолият юритмоқда¹¹. Биргина 2009 йилнинг ўзида дунё бўйича 760 миллион киши саёҳат қилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 1 млрддан ошди, 2020 йилда эса 1,5 млрд кишига етиши прогноз қилинмоқда. Жаҳонда сайёҳлик хизматларидан тушган даромад ҳажми - 1,4 трлн АҚШ долларини ташкил этмоқда. Соҳанинг ривожланиш даражаси кейинги 50 йил мобайнида халқаро туризм кўрсаткичи 32 баробарга, ундан келадиган даромад эса 250 мартага ўсганлигини кўрсатади¹².

Дунё тажрибасидан маълумки, Австрия, Испания ва Гонконгда яшовчи бир кишига иккита сайёҳ тўғри келар экан. Хитойнинг ҳар 100 аҳолисига 3 та сайёҳ тўғри келади. Андорра мамлакатини кўпчилик билмайди, лекин ушбу давлатнинг 100 киши аҳолисига ҳар йили 5 минг, Макао (Хитой) ва Буюк

йил 7 октябрь.

⁹ Мингбаев К. Иқтисодиётнинг учинчи таянчи. // «Мулқдор» газетаси, 2005 йил 15—21 сентябрь, 40-сон

¹⁰ Астанақулов Х. Туризм салоҳияти юксалмоқда, // «Жамият» газетаси, 2013 йил 27 сентябрь

¹¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 3 октябрь сони.

¹² «Маърифат» газетаси, 2013 йил 21 декабрь сони.

Британия Виржиния оролининг битта вакилига 10 минг сайёҳ тўғри келар экан. Агар таққослайдиган бўлсак, бизнинг мамлакатимиз туристик салоҳияти бўйича ушбу давлатлардан ҳеч бир жиҳати билан қолишмайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, сайёҳлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари ва соҳани ривожлантириш бўйича бир қанча давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилиниб келмоқда. Ушбу сайёҳлик ҳаракатлар натижасида мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улуши 0,1 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 2,0 фоиздан ошганлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов: «Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожини йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олдига янги-янги талаблар қўяётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз»¹³, деб таъкидлаб, бу талабларнинг баъзилари ҳақида қисқача тўхталиб ўтди, яъни:

- сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромад ва фаровонлигининг ошириши билан бевосита боғлиқ. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг ривожланиши даражаси, унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудек ўз аксини топмоқда;
- халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бормоқда;

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газе- таси, 2014 йил 7 октябрь.

- сайёҳлик инфратузилмаларининг ри- вожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, замонавий ахборот технологияларнинг жорий этилганлиги;

- туризм соҳасида кўп нарса туризм саноатига мўлжалланган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағлари ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантирадиган омиллар яратилиши, инфратузилма, меҳмонхона хўжалиги, транспортни ривожлантириш ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш;

- юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи;

- виза ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмийликларни соддалаштириш, хусусан, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий кафолатлар бериш ва бошқалар.

Агар ҳар бир давлат халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган ушбу омилларга эътибор қаратса, албатта ўша мамлакатда туризмнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилади ва бу давлат иқтисодиётининг тараққий этишини кафолатлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон туристик хизматлар ҳажми борасида ҳам ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Зеро, айти шу йўналишдаги кўрсаткич 2012 йилда 231,1 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдроқни ташкил этди. Мамлакатимизга 2013 йили дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. 2012-2013 йиллар мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсди, 2014 йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ хорижий сайёҳ юртимизга ташриф буюрди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Республикада жами туристик хизматлар миқдори 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 16 фоизга, хизматлар экспорти 9 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин¹⁴. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси туроператорлар фаолият юритмоқда, 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ техмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга ҳалқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда¹⁵.

Умуман айтганда, мамлакатимизда кейинги йилларда Хоразм, Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш дастурлари қабул қилинганлиги, ушбу дастурларда 260 млн АҚШ долларидан ортиқ маблағни ўзлаштириш кўзда тутилганлиги бу соҳада янги давр бошланганлигидан далолат беради.

Биринчи президентимиз Ислоҳ Каримов Тошкент вилояти ҳақида ижобий фикрларни билдириб, «Тошкент вилояти, бошқа минтақалар билан солиштирилганда, ҳосилдор тупроғи, бой минералхомашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Ўзининг бетакрор иқлими, гўзал табиати ва хушманза масканлари билан ҳар қандай кишининг ҳайратини ўзига тортади»¹⁶, деб алоҳида тикидлаган эди.

Дарҳақиқат, Тошкент вилояти узининг еографик жойлашуви, гўзал, бетакрор табиати, қадимий обидалари ва қадамжолари билан туризм соҳасида анча юқори салоҳиятга эга. Бўстонлик тумани, Ангрендаги Янгиобод, Оҳангарон туманидаги тоғ ёнбағир зоналаридаги дам олиш масканлари, Зангиота мажмуаси, Оққўрғон туманидаги қадимий Шохрух шаҳри қолдиқлари ва бошқа жойларни кўриш нафақат маҳаллий, балки чет

¹⁴ «Бизнес-Вестник Востока» газетаси, 2014 йил 17 февраль сони.

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 7 октябрь.

¹⁶ Каримов И.А. Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш - муқаддас бурчимиз. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // «Тош-кент ҳақиқати» газетаси, 2013 йил 3 апрель сони.

эллик саёҳатчиларни ҳам қизиқтиради. Ушбу жойларда танишув, соғломлаштириш, экологик, спорт, агротуризм ва туризмнинг бошқа йўналишларини ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий эттириш орқали аҳолимизнинг даромад олиш имкониятлари мавжуд. Бироқ шунга қарамай, туристик фирмалар ва соҳа тадбиркорлари вилоятдаги мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланилмаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Вилоятда туризм салоҳиятини ошириш, мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳларни минтақанинг тарихий-маданий мероси билан кенгрок таништириш, транспорт, коммунал инфратузилма объектлари мажмуаси ёрдамида Чимён-Чорвоқ рекреацион зонасида янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига қаратилган. Бунинг замирида дам олиш ва саёҳат қилиш билан боғлиқ шарт-шароитларни яхшилаш, янги йўналишлар очиш, хизматлар сифатини ошириш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва вилоят аҳолиси даромадлари ўсишини таъминлаш мақсадлари мужассам этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дастурдаги ишларни амалга ошириш учун 77,7 миллион АҚШ долларидан ортиқроқ маблағ йўналтирилган. Бундай катта миқёсдаги қарорни амалга ошириш бир ёки икки ташкилотнинг иши эмас. Бунда қатор вазирлик ва идораларнинг биргаликдаги ҳаракати талаб этилади. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш учун Адлия, Молия, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Давархитектқурилиш», «Ергеодезкадастр», Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Фанлар академияси, 20 га яқин тижорат банклари, ҳокимликлар ва муттасади ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб боради. Қолаверса, лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун керакли инвестициялар, кредитлар, донор мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг грантлари жалб этилиши дастурнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканини

билдиради.

Мазкур қарорда вилоятдаги тарихиймаданий объектларни тадқиқ қилиш, реставрация қилиш, консервациялаш, уларнинг ҳолатини яхшилаш ишлари бажарилиши белгиланган. Ҳозирги пайтда вилоятда меҳмонхоналар ва бошқа туризм инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб , юборилди.

Албатта, Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш учун транспорт хизматини яхши йўлга қўйиш талаб этилади. Шу мақсадда Хожикент темир йўл вокзалидан рекреацион ҳудудгача йўловчиларни ташиш хизматлари кенгайтирилиб, янги йўналишлар очилади. Вилоятдаги туризм масканларида ҳордиқ чиқараётганлар ва сайёҳларга қўшимча транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида махсус автотранспорт воситалари харид қилинди.

Шунингдек, дам олиш кунлари аниқ жадвал бўйича Тошкентдан Бўстонлик, Ангрэн, Паркент ва бошқа ҳудудларга қўшимча экскурсия йўналишларини очиш кўзда тутилган. Зангиота, Паркент, Оққўрғон туманларидаги тарихий ёдгорлик мажмуалари билан таништириш мақсадида янги сайёҳлик йўналишлари очилади. Табиат қўйнида дам олишни хуш кўрувчилар учун ҳам янгиликлар бўлиши кутиляпти. Шуниси қувонарлики, хорижликлар энди вилоятимизга келиб нафақат ҳордиқ чиқарадилар, шу билан бирга саноат ва агротуризм билан танишиш имконига эга бўладилар.

2.3.Туристик бизнес молиявий потинциалини бевосита хизматлар ҳажмининг усишига тасири

Яхши маълумки, иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати 2.2-жадвалда келтирилган.

**Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати
(ўтган йилга нисбатан фоизда)¹⁷ (2.2-жадвал)**

Хизмат турлари	2013 Йил	2014 Йил	2015 йил	2016 Йил	2017 йил
1	2	3	4	5	6
Жами хизматлар	114,9	113,2	115,3	115,5	115,8
Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	116,9	118,6	120,2	120,5	120,7
Транспорт хизматлари	124,2	104,1	105,3	105,6	105,8
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	101,9	139,9	139,9	139,9	141,9
Молия хизматлари	121,1	118,6	119,9	119,6	119,8
Туристик хизматлар	110,6	127,3	128,4	128,7	128,4
Меҳмонхона хизматлари	118	106,5	115,2	115,9	118,3
Коммунал хизматлар	103	99,9	102,2	104,4	105,4
Маиший хизматлар	-	120,9	130,1	130,5	131,1
Автомобиллар ва бошка	-	118,9	119,0	121,5	120,1
Бошка хизматлар	-	118,5	118,6	119,4	120,7

Ушбу 1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда хизматлар ҳажмининг йиллар бўйича ўсиш суръатларида туризм саноатининг асосий инфратузилмалари ҳисобланган транспорт, меҳмонхона хизматлари ва сайёҳлик ташкилотлари хизматларининг ўсиш суръатини йиллар бўйича таҳлил қилиш жоиз.

Биз юқорида мамлакатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг йиллар бўйича ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, туризм соҳаси билан хизмат кўрсатиш тармоқларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки бу соҳалар туризм соҳасининг барча турлари ва кўринишларида ўз хизматлари билан бевосита ва билвосита иштирок этади.

¹⁷ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1-сон, 2014 йил

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2017 йил якунлари хусусида тўхталар экан, ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53 фоизни ташкил этганини таъкидлаб ўтди. Бу кўрсаткич дунёнинг ривожланган мамлакатларида 54-56 фоиздан иборат. Юқорида келтирилган 53 фоиз мустақилликка эришганига ҳали ўттиз йил бўлмаган давлат учун жуда катта ютуқдир. Бу кўрсаткичларни янада юқори кўтариш учун давлатимиз жуда катта салоҳиятга эга. Фақат мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан халқаро туризмни ривожлантириш масаласига ҳам давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Сайёҳлик ташкилотларида маркетинг стратегиясини тўғри танлай билиш ва қўллаш, бозорда ўзини тутиш ва фаолият кўрсатиш маданияти, бозорни тадқиқ қилиш воситаси, янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш усули, бозорда турмаҳсулотни олға силжитиш ва сотишни ташкил этиш, нарх сиёсатини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Туристлик соҳада маркетинг стратегиясини ривожлантириш зарурияти бир неча ҳолатлар билан ифодаланади. Сайёҳлик ташкилотларида барча хизматлар фаолиятини «бозорга» йўналтириш замонавий туризм индустриясини ривожлантиришда етакчи жаҳон тенденцияси бўлиб ҳисобланади. Маркетинг туристик маҳсулотга потенциал ёки реал талабни баҳолашга, идентификация қилишга имконият яратади ва шунга мос равишда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, олға силжитиш ва сотиш бўйича ҳаракатлар тизимини ўз ичига олади. Амал қилаётган фаолиятдаги сегментларни кенгайтириш ва янги сотиш бозорларини ахтариб топиш янги тактика ва стратегияни ишлаб чиқишга, тур маҳсулотни сотишни барқарорлаштиришга ва барқарор фойда олишга имконият туғдиради. Бу, ўз навбатида, ташки ва ички имкониятлар кенг бўлган мамлакатимизда ички туризмни

такомиллаштиришда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда бундан кўзланаётган энг асосий вазифа - мамлакат минтакаларида инфратузилмаларни яхшилашга кўмаклашади. Бу тармокнинг имкониятларини аҳолига тушунтириш маҳаллий аҳолининг дунёкарашини ҳамда маънавий озуқа олиш имкониятларини кенгайтиради ва, энг асосийси, янги иш ўринлари очилишига замин яратади. Шу билан бирга ишсизлик муаммосини бартараф этишда ички туризмдан самарали фойдаланиш имконини беради.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларни амалга ошириш- да куйидаги маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- фукароларга биринчи навбатда туризм тушунчаси моҳиятини янада кенгрок очиб бериш ;
- соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва мунтазам малакасини ошириб бориш;
- ҳар бир туристик минтақада жойлашган сайёҳлик объектлари ва табиий ресурслар тўғрисидаги маълумотларни етказиш;
- «Узбектуризм» МКнинг фаолиятини янада жонлантириш ҳамда компания томонидан сайёҳлик ташкилотларига кўр- сатиладиган интерактив хизматлар сонини кўпайтириб бориш;
- туристик минтақаларда туризм инфратузилмасини яхшилаш (транспорт, йўл, меҳмонхона, овқатлантириш хизматларини ташкил қилиш, янги замонавий ҳамда турли минтақаларнинг миллий урфодатларига хос меҳмонхоналар ташкил этиш);
- хорижий туристларнинг талабига қараб қўшимча хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;
- янги ички туристик маршрутларни яратиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;
- хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, уни республика- мизда

амалиётга татбиқ этиш.

Узбекистон халқаро ва ички туризм саноатини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Фақат бу имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиш лозим.

III-BOB.ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ПОТИНЦИАЛИНИ ОШИРИШ ИМТИЁЗЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ

3.1. Туризм ислоҳатлар ва истиқболларини шакиллантириш йўллари

Шакилланиши ва ривожланишида давлат бош ислоҳатчи бўлган миллий туризм тизимида дий ислоҳотлар 1992 йилда бошланди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентен ўша йил 27 июлда қабул қилинган 447-сонли фармони туртки бўлди. Унга асосан туристик ташкилотлар негизда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил этилди. Республикада туризмни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этувчи, ҳаракатларни амалга оширувчи бу ташкилот асосан мамлакатда туризмнинг ҳамма турларини - ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини ва инфратузилмасини вужудга келтириш, туристларга хизмат кўрсатиш даражасини жаҳон андазаларига кўтариш, иқтисодиётга чет эл валютаси тушумини кўпайтириш, республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар жаҳонга ёйиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш, янги иш жойларини ташкил этиш каби қатор масалалар билан шуғулланади.

Туризм тармоғини иқтисодий ислоҳ қилишнинг иккинчи Туризм тармоғини иқтисодий ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи 1993-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда туризмни ривожлантиришнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Бу босқич туристик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ўсиши билан бир қаторда бир қанча муомоларни туғдирди. Бу муаммолар янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, туризмнинг моддий-техника кенгайтириш, бошқарувни ташкилий такомиллаштириш ва ҳ.к.лар билан боғлиқ бўлиб, уларни фақат «Ўзбектуризм» МК доирасида ечиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам қатор турдош тармоқлар билан биргаликда яхлит инфратузилмани тагакил қилиш ва ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди. Туристик объектлар давлат тармоғидан чиқарилди ва хусусийлаш-тирилди. Рақамли фондда муҳим

ўзгаришлар амалга оширилди. 1993 йил охирига келиб, республика туризм тизимида ҳуқуқий ва мустақил балансга эга бўлган 123 та ташкилот бор эди.

1995 йилнинг 1 июлида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томони- дан бутун мамлакат ҳудудида амал қилувчи ягона туристик виза ўрнатилди (давлат томонидан белгиланган объектлардан ташқари). Туризм ривожининг иккинчи босқичига қўйилган бошқа бир қадам тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура иншоотлари, яратилган санъат асарларини сақлаш ва кўпайтиришга йўналтирилган «Мерос» миллий дастурининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланиши бўлди.

Бу даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий зоналар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди. «Ўзбектуризм» МК туроператорлар билан бевосита алоқаларни ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон ҳаво алоқасига эга бўлган мамла- катлар - Германияда (Франкфурт), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амирликлари (Шардж), Россияда (Москва) ўз ваколагхоналарини (вакил) очди.

1995-1997 йилларда туризмни ислоҳ қилишнинг учинчи босқичи амалга оширилди. Бунда хизматлар соҳасида фаол хусусий- лаштириш бошланди. 1996 йили «Ўзбектуризм» МК тизимидаги барча туристик объектларнинг 90 %и давлат тасарруфидан чиқарилди. 1998 йилдан миллий туризмни ислоҳ қилишнинг тўртинчи босқичига қадам қўйилди. Бу қайта тикланиш босқичи бўлиб, экспорт салоҳияти ошиши, валгота, турист, хусусий капитал ва инвестициянинг барқарор оқимини таъминлашга олиб келди. Вазирлар Маҳкамасининг «Туристлик ташкилотлар ташкил этилишини гакомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбектуризм» МК қайта ташкил қилинди ва Ўзбекистоннинг хусусий туристик ташкилот- лари ассоциациясига асос солинди.

1999 йил майдан миллий туризмни ислоҳ қилишнинг бешинчи босқичи бошланди. Республика Президентининг «Туризмни ривожлантириш

тўғрисида»ги фармони мамлакатда миллий, халқаро туризмнинг мавқеини, иқтисодий асосларини қатъий белгилаш учун сиёсий асос яратди. Бу ҳужжат билан туристик ташкилотларга қўшимча божхона имтиёзлари яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларида чет элда туризм бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. 1999 йилнинг августида Парламент «Туризм тўғрисида»ги қонунни қабул қилди ва иқтисодиётнинг бу тармоғини тўлалигича бошқариш ва фаолиятли тартибга солиш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Бугунги кунда “Ўзбектуризм” МК олдида туристик фирмалар фаолиятини тартибга солиб бориш ва эркин рақобатни вужудга келтириш, келажакда миллий туризмни ривожлантириш учун зарур кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, инфратузилмани такомиллаштириш каби ишлар турибди. Бунинг учун, албатта, давлат иқтисодиётнинг бу тармоғидаги ислохотлар стратегиясини доимо такомиллаштириб бориши зарур.

Мамлакатимизда халқаро туристлар ташрифи бўйича йил сайин ўсишга эришилмоқда. Бунда аввалдан маълум бўлган минтақалар Тошкент шаҳри (2005 й. 233,42 минг, 2006 й. 249,1 минг, 2007 й. 266,3 минг, 2008 й. 282,3 минг), Самарқанд (2005 й. 73,55 минг, 2006 й. 78 минг, 2007 й. 82,7 минг, 2008 й. 87,7 минг), Бухоро (2005 й. 58,5 минг, 2006 й. 62 минг, 2007 й. 65,7 минг, 2008 й. 70 минг) ва Хоразм (2005 й. 39,63 минг, 2006 й. 42 минг, 2007 й. 44,5 минг, 2008 й. 47,2 минг) алоҳида ўрин тутмоқда. Бу минтақалар туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишда катта тажрибага эга. Кузатишларимизга қараганда, сўнгги йилларда истиқболли деб таъкидланаётган минтақалар - Сурхондарё (2005 й. 19,9 минг, 2006 й. 20,5 минг, 2007 й. 21,1 минг, 2008 й. 21,7 минг), Қашқадарё (2005 й. 25,7- минг, 2006 й. 27 минг, 2007 й. 28 минг, 2008 й. 30 минг), Жиззах (2005 й. 47,5 минг, 2006 й. 50 минг, 2007 й. 52 минг, 2008 й. 54 минг) ва Тошкент вилояти (2005 й. 88,1 минг, 2006 й. 93 минг, 2007 й. 98 минг, 2008 й. 104 минг) ҳам туристларга хизмат кўрсатишда қатор ютуқларга эришмоқда.

Республикамизнинг туристик минтақаларида туристларга юқори савияда хизмат кўрсатиш орқали молиявий натижалар яхшиланиб бормоқда. Туристлик фирмалар кучли рақобат шароитида фаолият олиб бориши билан бирга ўз фаолиятини янада яхшилаш учун иқтисодий самарадорликка эришмоқда ва йилни фойда билан яқунламоқда. Бунда юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Тошкент шаҳридаги (2006 йилда 1053,4 млн., 2007 йилда 1250,9 млн., 2008 йилда 1551 млн. сўм), Самарданд (2005 йилда 303,9 млн., 2006 йилда 304 млн., 2007 йилда 350 млн., 2008 йилда 420 млн. сўм), Бухоро (2005 йилда 190,8 млн., 2006 йилда 170 млн., 2007 йилда 190 млн., 2008 йилда 231,8 млн. сўм) ва бошқа минтақалардаги туристик фирмалар ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқда.

Республикамизда туризмдан келаётган фойдага мос равишда туристлар сони хдм ўсиб борди. Туристлар сони 2005 йилда 621,7 минг, 2006 йилда 659 минг, 2007 йилда 699 минг, 2008 йилда 1014 минг кишини ташкил этди.

Хорижлик ва маҳдллий туристларга курса- тилган хизматлар ҳажми динамикасида хдм йиллар давомида барқдорлик ва муттасил ўсишга эришилмоқда. Хизматлар ҳажми кўрсаткичи 2005 йилда 39787,1 млн., 2006 йилда 45755 млн., 2007 йилда 54906 млн., 2008 йилда 66985 млн. сўмни, шунга мос равишда экспорти 2005 йилда 29000 минг, 2006 йилда 42000 минг, 2007 йилда 44520 минг, 2008 йилда 47191 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, бугунги кунда туризмга ТМК (трансмилий компаниялар) кириб келмоқда. Бу иқтисодий ривожланишга асосий сабаб сўнгги йилларда туризм соҳасида ҳам интеграция жараёнлари кенгаймоқда. Туризмда интеграция қараганда бир оз кейинроқ амалга оширила бошланди. Туризмда интеграция миллий турфирмалар (туроператорлар) ўртасида ўзаро кўп томонлама барқарор алоқалар ривожланиши ва турком панияларнинг ижтисодий-сиёсий ва маданий жихатдан бирлашуви бўлиб, туристларга хизмат кўрсатиш

тармоқларининг турли даражада ва турли кўринишдаги ўзаро алоқадорлигини ифода этади. Туризмда интеграцион жараёнлар тўғрисида мутахассислар орасида ягона қарашлар концепцияси мавжуд эмас. Назарий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, туризмда интеграция ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалиқ комплексларининг ўзаро яқинлашиши ва бир-бирига кириб бориши жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади.

Халқаро туризмда интеграцион жараёнлар асосан икки кўринишда микротрансмилий компанияларнинг ташкил этилиши орқали, макроиқтисодий сиёсатни давлатлараро мувофиқлаштириш сиёсати орқали) амалга оширилади. Бутун дунёда қўшма корхоналар тузиш, туристик комплексларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва куриш, ишлаб турган объектларни янгилаш мақсадларида бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш давлатнинг туризмни ривожлантириш сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Республикамизда Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Италия ва бошқа мамлакатлардан келган тадбиркорлар тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тобора кўпроқ ташкил қилинаётганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

3.2. Туристтик бизнесни молиявий потинциалини оширишни молиявий ресурсларга боғлиқ омиллари

Милий туризм ривожланиши биринчи навбатда туристик ресурсларга боғлиқ. Кейинги «йилларда дунё туризмида экотуризмга қизиқиш суръатлар билан ўсиб бориши кузатилмоқда. Экологик туризмни ривожлантириш учун республикамизда жуда катта имкониятлар мавжуд. Чунончи, Ўзбекистон 38 млн. гектардан ортиқ бўлган овчилик - балиқчилик ер майдонларига эга. Улардан 1,0 млн. гектарини сув фонди кўллар, дарёлар, сув омборлари ташкил этади. Республикамиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424

турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юривчилар ва 83 балиқ турларига эга. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юривчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Улардан 3000 дан ортиғи олий ёввойи ўсувчи ўсимликлар, уларнинг 9 %и эндемиклардир. Чет эллик инвесторнинг максимал даромад олишга интилиши ҳамда бу лойиҳани келтусида амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар хорижий капитал иштирок этган ҳар қандай инвестиция жараёнининг асосий ҳаракатланувчи кучдир.

Ўзбекистон ҳудудининг муҳофаза этилаётган табиий қисми таркибида 2164 км² майдонни ташкил этган 9 та давлат қўриқ- хонаси, 6061 км. майдонни ташкил этган 2 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни қўпайтириш Республика маркази (Жайрон «Экомаркази»), 12186 км² майдонни ташкил этган 9 та давлат буюртмахоналари мавжуд. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 кв.км ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 % ини ташкил этади.

Ўзбекистон туризми катта имкониятларга эга бўлишига қарамай, мураккаб ўтиш жараёнида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Бунинг асосий сабаби ҳали етарлича инфратузилма ташкил этилмаганлиги.

3.3.Туристтик бизнесни молиявий ПОТИНЦИАЛни ошириш имкониятлари ва истиқболи

Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиши ва бозор муносабатларига ўтиши натижасида унинг иқтисодиётида кўплаб ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жамиятимизда барча ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий муносабатларнинг янгиланиши кейинги йилларда рўй берган муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу янгиланиш ижтимоий-

иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги шарт-шароитлари заминида вужудга келган ижтимоий тараққиёт моҳиятини янги мазмун билан бойитди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритган кундан бошлаб мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда халқаро туризм соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида туризм мамлакат бюджети тушумларининг асосий қисмини таъминловчи даромад манбаига айланган.

Туристлар асосан қадимий, тарихий ёдгорликларга бой мамлакатларга интиладилар. Табиийки, туроператорлар ҳам ҳар бир турист учун кураш олаб борадилар.

Ўзбекистон туризми муаммоларини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан айри ҳолда алоҳида ҳал этиш мумкин эмас. Туризм соҳаси билан иқтисодиётнинг 30 дан ортиқ тармоқлари чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим. Бу жараёнда авиация, автомобиль, қурилиш, умумийовқатланиш, алоқа, хизматкўрсатиш ва бошқа соҳаларни кўриб чиқиш керак бўлади. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бераётган маълумотларга кўра, бугунги кунда меҳнат билан банд аҳолининг ҳар ўн беш кишидан бири туризм соҳасида хизмат қилмоқда¹⁸. Бу шундан далолат берадики, мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг барча реал сектори ривожланиши учун замин яратилади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014-йилнинг асосий яқунлари ва 2015-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 19.01.2015 йил

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2014 йилда мамлакат иқтисодиётида «Хизмат кўрсатиш ва сервис» соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53 фоизни ташкил этганлиги таъкидлаб ўтилди¹⁹.

Маърузада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръати ҳам йил сайин ортиб бораётгани таъкидланди. Бундай ўсиш суръатлари ва эришилаётган ижобий ўзгаришлар замирида, албатта, юртимизда қарор топган тинчлик муҳити, оқилона олиб борилаётган давлат сиёсати ва, энг асосийси, тўғри танланган маркетинг стратегиялари мужассам.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожланишига маркетинг стратегиялари катта таъсир кўрсатмоқда. Маркетинг стратегиялари нафақат иқтисодиёт тармоқларини, балки халқаро ва ички туризм соҳасини ривожлантириш учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Туризм соҳасини ривожлантиришда маркетинг стратегияларини қўллашнинг самарадорлиги тўғрисида гапиришдан олдин маркетинг стратегияларининг илмий-назарий асосларини ҳамда ушбу соҳа нима сабабдан бу стратегик маркетингга муҳтожлигини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Стратегия (грекча «strategos» сўзидан олинган) бевосита «алоҳида ваколатларга эга генерал санъати», бошқача айтганда эса, «юқори раҳбарлик санъати» маъносини англатади. Ҳозирги даврда корхона стратегиясида унинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатларининг мақсади, воситадари ва чегаралари ифодаланади.

Стратегик туристик бизнеси - бу истеъмолчилар, яъни туристларнинг эҳтиёж ва талабларини тизимли, доимий таҳлили бўлиб, уни тузишдан мақсад сайёҳлик корхоналари учун барқарор рақобат ҳолатини таъминловчи самарали маҳсулот ва хизматлар дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Стратегик туристик бизнеси бозорнинг барча компонентлари ўзгариш

¹⁹ www.world-tourism.org БТТ расмий сайти маълумоти 2014 й.

динамикаси ва ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли истиқболли дастурларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Халқаро даражада стратегик маркетинг технологияси устувор йўналишларни ишлаб чиқиш жараёнида қўлланадиган халқаро маданий коммуникациялар ва иқтисодиёт омилидир. Ундан узоқ муддатли халқаро ва ички туризмни ривожлантириш дастурларни тайёрлашда фойдаланилади. Шунингдек, у туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегиясини тайёрлашда ҳамда миллий ва минтақавий даражада туризмни ривожлантиришни режалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда; атроф-муҳит муҳофазаси, туристлар ҳуқуқини таъминлаш, тарихий обидалар, тарихий мерос, архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш; қўллаб-қувватлаш ва реставрация қилишда, туризм соҳасида маълумотларни такомиллаштириш ва ҳ.к.да муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, дастур шу даражада мукамал, ишлаб чиқилганки, вилоятни ривожлантириладиган туризм соҳасининг барча жиҳатлари қамраб олинган. Ҳозир ¹мамлакатимизга келаётган сайёҳларни кўпроқ Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятларига олиб бориш анъанага айланган. Лекин хорижликларни қизиқтирадиган тарихий маскан ва имкониятлар масаласида Тошкент вилояти бошқа ҳудудлардан қолишмайди. Шу маънода сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, уларни вилоят салоҳияти билан таништириш мақсадида Чиноз ва Бўстонлик туманларида анъанавий балиқ маҳсулотлари кўрғазмасини ўтказиш режаси бор. «Чи- мён экстрим», «Чимён садоси» фестивалари экологик туризмни ривожлантиришга қаратилади. Угам-Чотқол миллий боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси билан яқиндан таништирувчи экскурсия ва сайёҳатлар меҳмонлар учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлади. Паркент туманига бориб, узум ва маҳаллий винодан татиб кўриш таклиф этилади. Вилоятимизнинг миллий маданияти, анъаналари, табиати ва ўзига хос ошхонаси «Welcome Uzbekistan» веб-порталида акс эттирилади.

Ушбу дастурда туризм соҳасидаги мутахассисларнинг савияси ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг консалтинг маркази ва Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти базасида касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ҳамда туризм соҳаси мутахассислари малакасини ошириш ва ўқитиш бўйича ташкилий ишлар бошлаб юборилган. Сайёҳларга бевосита хизмат кўрсатадиганлар учун хорижий экспертлар иштирокидаги турли семинар ва маҳорат дарслари ўтилади. Шунингдек, Бўстонлик туманидаги туризм касб-ҳунар коллежида амалий машғулотлар ўтказиш учун замонавий жиҳозлар келтирилиб, моддий-техник база мустаҳкамланди. Лондондаги «World Travel Market», Берлиндаги «ITB», Токиодаги «JATA», Пекиндаги «China Outbound Tourism Market» Сеулдаги «КОТФА» ва бошқа нуфузли кўрғазмаларда вилоятдаги сайёҳлик фирмалари иштирок этиб, халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиб, амалиётга татбиқ этмоқдалар.

Дастур доирасидаги ишлар амалга оширилиши натижасида 2015 йилнинг ўзида сайёҳлар оқимини 70 мингга етди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2021 йилларда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури самарали ижросини таъминланиши ва зарур кумак бериш мақсадида қуйидаги чоратadbирларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Давлат дастурининг ўз вақтидаги ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутатлари, маҳаллий кенгаш депутатлари, давлат ва нодавлат ташкилот ва-килларида иборат ишчи гуруҳ тузиш.

2. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси давлат дастурида кўрсатилган ҳар бир ҳудудда унинг ижросини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

3. Ишчи гуруҳи томонидан аниқланган камчилик ва муаммолар

жойлардаги ҳокимлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, заруриятга қараб юқори ташкилот раҳбарларидан мавжуд масалани зудлик билан ҳал этишга киришишини талаб этиш.

4. Ишчи гуруҳи ва вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ойда камида бир марта дастурни вилоят бўйича ўрганиш натижалари ва келгусидаги режадаги ишлар юзасидан кенгайтирилган йиғилишларини ташкил этиш.

5. Доимий равишда дастурга кирган ҳудудлар бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (ФЎЎБО), жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Энг обод маҳалла», «Энг чиройли кўча», «Гўзал-саришта хонадон», «Ораста бекалар» ва бошқа шу каби номинацияларда кўрик танловлари ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантиришни ўлга кўйиш.

Албатта, туризм бизнесини ривожлантириш ўз навбатида вилоятнинг кўркига кўрк қўшади, янги иш ўринлари ташкил этишга, аҳоли даромадларининг янада кўпайишига кўмак беради, бу ўз навбатида давлат ва оила бюджетига қўшимча маблағ олиб келади, нафақат миллий, балки хорижий саёҳларни ҳам жалб этади, натижада дунё мамлакатлари Ўзбекистон диёри тўғрисидаги тасавурлари янада бойийди.

IV-БОБ. « SAMARQAND-KOREA TUR »МЧЖ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмаларнинг буйруқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида Конституциясида (1992 йил 8 декабр): Олий Мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78- модда).

Маҳаллий ҳокимият органларининг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига, жумладан, қуйидагилар киради:

– қонунийликнинг, ҳуқуқий-тарғиботини ва фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш;

– маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш мажбурий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш (100-модда).

Конституцияда энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлса, шу билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимояланиш асоси берилган.

Конституциянинг 9-боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоялашга қаратилган. 36-моддасида «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда риоя қилиш, эркин касб танлаш одилона шароитларда меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида жазо ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки

қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ҳ.к.ларда ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади) дейилган.

39-моддада «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз, турли хил хизмати корхоналари ташкил этилиши ва жумладан малакали тиббиёт ходимлари ўз шахсий даволаш муассасаларига эга бўлиши, даволаш соҳасида рақобат вужудга келиши билан Республикамизда яшовчилар малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имконияти таъминланади.

Юртимизда фуқаро меҳнат муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонунни (1993 йил 6 май), Меҳнат Кодекси (1995 йил 21-декабр, №161-1) «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Низом (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонун ҳажми 5 бўлим, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишни таъминлашга қаратилган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, уруш ва терроризм ҳуружидан химояланиш, табиат ва одамзот уйғунлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

4.2. « Samarqand-Korea Tur »МЧЖ меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати

« Samarqand-Korea Tur »МЧЖ ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнат муҳофазасини, қонунда кўрсатилганидек ташкил этиган: меҳнат муҳофазасини иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

« Samarqand-Korea Tur »МЧЖ ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятига тўғри ҳал этиши унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб топиш меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш, касб касалликларни ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек, уларни камайтиришда ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли ноҳуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора тадбирлари ичида муҳим ўрин тутади.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга ошириляпти. Меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли умумий хасталиклар

ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Умумий ва касб касаликларини, бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг даст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси кучайишини ва аҳолини фуқаро муҳофазаси вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларга тузилмарга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатланиши, турли хил жиҳозлар, асбоб ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

Фуқаро муҳофазасининг амалий машғулотларнинг замон талаблариға мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонида қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалари оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3. « SAMARQAND-KOREA TUR »МЧЖ ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларнинг меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо этади.

Ҳозирга вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий маъсулият кишилар зиммасига тушушини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак. Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай корхоналарида ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкилий қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасининг мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу

тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишига қаратилган илмий техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар , шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан сақлашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларнинг бажарилишини текшириш;

- ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлимларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттик назорат қилиш ҳамда текшириш;

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳозларининг қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча ташкилот бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналари ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда қоида бузилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ёки бажармаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техникларнинг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун хар бир объектда ёнғин техник комиссияси тузилади.

Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- объектив ёнғиннинг олдипи олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- ишчи хизматчилар ва муҳандис - техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтиришини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин тахник комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, Электр жиҳозлари, шамоллатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди, ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказилади, рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади, цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчилини жалб этади.

4.4. « Samarqand-Korea Tur »МЧЖ фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис кўйиш, даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, прогез-оргопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек, беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш парваришlash юзасидан Ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқга эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек, уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамнинг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари. Биринчи медицина ёрдамнинг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини, қутқариб қолиш, унинг азоб-

укубатларини камайтириш руй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ходисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қуйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қуйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш, (шок маҳалида), ёниб турган кийимни ўчириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни кимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизация), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейин қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса хаётини қутқариб қолиш учун ҳам хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам электр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига мухтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу пайтнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибинни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг хаётии қутқариб

қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамнинг кейинги усул-амалларини кўлланиш учун бажарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажарилади. Чунончи, сон суюғи очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда хаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамнинг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. Қўпол ҳаракатлар қилинадигани бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг ахволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у холда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, бирипчи медицина ёрдамнинг барча усул амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим.

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлам материали бинтлар, медицина боғлов пакетлари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. Қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар: тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачалар фанера шиналар, шотисимон, тўрсимои ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1-2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок холидаги натрий

гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ-2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва санитар постлари табел воситалари билан таъминланади. Қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларида, цехлар, фермалар ва бригадаларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптечкалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Бошқармага тегишли одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Тайлоқ туман ДСИ ходимлари томонидан шикастланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида энг аввало, унинг жароҳатланган жойларига стерил боғлам қўйиш зарур. Оёқ-қўллари лат еб, муздек бўлиб, қолиб кетган бўлса, дарров узок вақт босилиб қолган жойидан юқорирокқа жгут ёки бурама солинади. Бундан кўзланган мақсад эзилиб қолган тўқималарда тўпланиб қолган захарли моддаларнинг қопга сўрилиб, юқорига ўтмаслигига тўсқинлик қилишдир. Жгутни жуда ҳам қаттиқ ва таранг қилиб қўймаслик керак, акс ҳолда шикастланган жойларга қон келиши тўхтаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, узок вақт босилиб, эзилиб қолган қўл-оёқлар ушлаб қўрилганда, ҳарорат юқори бўлмаса, уларни бинт, дока билан мустаҳкам боғлаб, устига совуқ нарса қўйиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Ривожланган инфратузилма орқали туризм иқтисодийнинг бошқа тармоқлари ривожига таъсир қилади, ҳудудлар инфратузилмаси, янги. иш жойлари яратиш, ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини тиклаш имконини беради. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортишида миллий туризмнинг ҳиссаси катта бўлиши лозим. Бунинг учун мамлакатимизда имкониятлар бор, янги, сифатли туристши объектларни кўпайтириш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодийтини юксалтириш бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилишини талаб этади. Бу борада, фикримизча

✓ табиий сайёҳдик ресурслари (қиймат, маҳаллийлик, сув ресурслари, рельеф, ғорлар, минерал ва больнеологик манбалар, ўсимлик ва ҳайвонот олами, миллий боғлар, табиат бурчаклари)дан унумли фойдаланиш;

✓ мавжуд ресурслар - маданий, тарихий, археологик, этнографик объектлар (музейлар, кўрғазмалар, театрлар)ни келгуси авлодга етказиш;

✓ ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва ресурслар (худуднинг географвдс ҳолати, алоқа- лилиги унинг ижтимоий-йқтисодий ривожланиш даражаси, замонавий ва келажакда худудий хужаликни ташкел этиш, ижтимоий инфратузилма, аҳоли ижтимоий-демографик тузилмаси меҳнат ресурслари, транспорт алоқаларининг ривожланиши даражаси)дан унумли фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш лозим.

Келгусида туризм бизнесини молиявий ПОТИНЦИАЛини ривожлантиришва мавжуд ресурслардан унумли фойдаланишда қуйидаги омиллар ҳам ёддан чиқармаслик керак:

– туризм тизимида маркетинг татқиқотларини ташкел этиш;

– халқаро бозорда талаб катта бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш;

– туризм сервисини ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш ва мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

- турмахсулотларни жаҳон андозаларига мослаштириш;
- табиий туристик рйсурсларни асраш ва у ерга туристик экскурсия хизматини кўрсатишда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш;
- тарихий обида ва ёдгорликларни реклама қилишни оммалаштириш;
- янги туристик ресурсларни излаб топиш ва ташкил этиш;
- қўшимча хизматлар турларини кўпайтириш ва яхшилаш;
- туризм билан боғлиқ бўлган барча тармоқлар: маиший хизматлар, алоқа, транспорт ва ҳоказолар ишини такомиллаштириш;
- туристик хизматлар нархини белгилашда туризм бозори конъюнктурасига катта эътибор бериш;
- ходимларни тўғри танлаш ва уларни доимий равишда рағбатлантириб бориш.

Фикримизча, туристик бизнесни ривожлантиришда мавжуд молиявий ресурслардан унумли фойдаланилган ҳолда маркетинг тадқиқотларини мунтазам равишда ўтказиш, талаб, таклиф, нарх, белгилашда конъюнктурасига ҳисобга олиш, жаҳондаги турли мамлакатлар туризмийни ўрганиш бу соҳада юқори сифат ва ижобий натижаларга олиб келади

Туристларнинг асосан Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига ташриф буюриши қуйидаги сегментларга бўлинган ҳолда ўрганилади:

- фақат Ўзбекистонга ташриф буюриб, сафар вақтининг ҳамма кунини шу ердаўтказди;
- Осиё бўйича саёҳати давомида Ўзбекистонда ҳам бўлиш турист учун саёҳатнинг бир қисми ҳисобланади;
- иш, бизнес юзасидан Ўзбекистонга қилинган сафар чоғида турист - сифатида дам олувчилар маънавий озуқа олувчилар ҳисобланишади. ,

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳудудига ташриф буюрувчи туристларнинг сегментлари таркибида кейинги йилларда ўзгаришлар содир

бўлиб, қариндош-уруғларини кўриш, меҳмон бўлиш, диний-мақсадларда келиш тез суръатлар билан ўсиб бормокда. Бу ҳам Ўзбекистонда туристик салоҳиятнинг юксалишига катта ҳисса қўшмоқца.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони// “Лех.уз”.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 28-декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида» ги ПФ–5290-сонли Фармони. //“Лех.уз”.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3-февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5326-сонли Фармони.//“Лех.уз”.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори//“Лех.уз”.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3509-сонли Қарори//“Лех.уз”.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3614-сонли Қарори//“Лех.уз”.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3609-сонли Қарори.//“Лех.уз”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 23 декабр.
10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 29 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 47 б.
12. Амриддинова Р.С. Меҳнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида) /дис... и.ф.н. Самарқанд-2012.
13. Болтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик. – Т.: «Фан ва технология», 2018 й.
14. Ҳайитбоёв Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С., Даминов М., Ҳамитов М. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Ўқув кўланма. – С.: СамИСИ, 2016.- 176б.
15. Норкулова Д. «Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (доктор оф психолог) диссертацияси. 2018 й.
16. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитасининг «Основаи показатели развития туризма и отдыха в республике Узбекистан в 2016 году» номли статистик бюллетени маълумотлари. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ чаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 7 октябрь.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш - муқаддас бурчимиз. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан

- ташқари сессиясидаги нутқи. // «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 2013 йил 3 апрель сони.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 7 октябрь.
 19. Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш / дис... и.ф.д. Самарқанд-2016.
 20. Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. - Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. - 184 бет.
 21. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Туризм иқтисодиёти. –С.: СамИСИ., 2007.
 22. Тухлиев И.С. ва бошқалар. “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий – иқтисодий муаммолари” номли монография. Т.: “Иқтисодиёт” 2012.
 23. Тухлиев И.С., А.Б.Бектемиров, З.И.Усманова. Туризмда стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма. – С.: СамИСИ, 2010 й.- 144 б.
 24. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2014. – 389 б.
 25. Беляков О.И. Семейный туризм как форма досуговой деятельности / О. И. Беляков, И. В. Мешерякова // Известия Пензенского пед. университета им. В.Г. Белинского, 2012. № 28. С. 5-6.
 26. Болотова М.И. Организация семейного досуга в образовательной среде учреждения дополнительного образования детей: учебное пособие / М. И. Болотова. Москва: компания Спутник+, 2015. 114 с.
 27. Жухова В.В., Римская Т.Г. Туроперейтинг: Учебное пособие. / Римская-Находка: филиал ФГБОУ ВПО «ВГУЭС» в г. Находке, 2014. – 128 с.
 28. Игнатева И. Ф. Организация туристской деятельности: учебное пособие / И. Ф. Игнатева. Москва: КноРус, 2015. 30 с.

- 29.Илина Йе.Н. Организация деятельности туризма [Электронный ресурс] / Йе.Н. Илина // Все о туризме: туристическая библиотека. Режим доступа: www.aviakapital.ru/
- 30.Инновации в сфере туризма [Электронный ресурс] // Официальный сайт ведущих поставщиков передовых решений в области информационных технологий в туризме. Режим доступа: <http://www.амадеус.ру/>
- 31.Организация семейного туризма [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://traveler.ru/организация-семейного-туризма>
- 32.Отдых с детьми [Электронный ресурс] // РоссТур: официальный сайт. Режим доступа: <http://www.росстур-екб.ру/наши-советы/отдых-с-детьми.html>
- 33.Проект «Уралского Диснейленда» [Электронный ресурс] // Екатеринбург он-лайн. Режим доступа: http://www.e1.ru/невс/споол/невс_ид-398690-секцион_ид-147.html
- 34.Семейный туризм, особенности, организация и география семейного туризма [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://travel.luxtour.info>
- 35.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Формальности в системе туризма Республики Узбекистан - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2007.
- 36.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006.
- 37.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006.
- 38.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2008.
- 39.Каримов И.А. Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш - муқаддас бурчимиз. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 2013 йил 3 апрель сони.

40. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 7 октябрь.
41. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1-сон, 2017 йил
42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги «2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 259-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 510-модда.
43. Астанакулов Х. Туризм салоҳияти юксалмоқда. // «Жамият» газетаси, 2013 йил 27 сентябрь сони.
44. Мингбаев К. Иқтисодиётнинг учинчи таянчи. // «Мулкдор» газетаси, 2005 йил 15-21 сентябрь, 40-сон.
45. Абилов Ф. Туризм соҳаси равнақи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 7 октябрь сони.
46. Мўминова Х. Сайёҳлар аввал бизга келишади. // «Тошкент Ҳақиқати» газетаси, 2013 йил 9 октябрь сони.
47. Мингбаев К. Иқтисодиётнинг учинчи таянчи. // «Мулкдор» газетаси, 2005 йил 15—21 сентябрь, 40-сон
48. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида
49. Интернет сайтлари
- <http://www.cbu.uz/>
- <http://www.ebrd.org/>
- <http://www.federalreserve.gov/>
- <http://www.review.uz/>
- [http://www.finam.ru/dictionary.](http://www.finam.ru/dictionary)
- <http://www.cbr.ru>
- <http://www.gov.uz/>
- www.world-tourism.org

